O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI №

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 20-dekabr, chorshanba, 51 (381)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Таълимдаги ҳамкорлик



Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.

ТОШКЕНТДА ХУДДИ ХОРИЖДАГИДЕК

Юртимиз азал-азалдан илм-фан бешиги бўлиб келган. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби алломалар бизнинг ватандошларимиз бўлганидан ҳар қанча фахрланса арзийди. Улар яратган кашфиётлар тан олиниб, ҳозиргача улардан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Ўзаро тажриба алмашиш янгидан-янги ютуқлар гарови эканлиги маълум. Г.В.Плеханов номли Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкентдаги филиали фаолиятига назар ташлар эканмиз, бунинг яққол гувоҳи бўламиз. Маълумки, 1998 йил 4-6 май кунлари Президентимиз давлат ташрифи билан Россия Федерациясига борганда Москвадаги Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясига ташриф буюрди.

Мамлакатимиз раҳбари академия билан танишиш давомида Россия ва Ўзбекистон иқтисодчи олимлари ўртасида яқин алоқалар ўрнатиш, ҳамкорликда дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этиш, илмий-амалий конференциялар уюштириш катта фойда келтиришини таъкидлаб ўтди. Бу Тошкентда фаолият кўрсатаётган академиянинг Ўқув-илмий маркази фаолиятини янада яхшилаш, Россия таълим тизимидаги янги ўқув технологияларини Ўзбекистонга олиб кириш имкониятини янада кенгайтиради, деб уқтирганди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 сентябрда қабул қилинган «Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида олий таълим сифатига қўйилган, умум эътироф этган халқаро талабларга ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифаларига мувофиқ бакалавриат ва магистратура йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш асосий вазифа эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Академия филиалида ўқитиш дастурлари дунёда таълим соҳасида тўпланган бой тажрибани, шу жумладан, Россия Иқтисодиёт академиясининг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилгани ва у республикамиз давлат таълим стандартларига мувофиқ равишда олиб борилиши ҳам ушбу қарорда белгилаб берилган.

— Олий ўқув юртимизда битта факультет ва бешта кафедра фаолият кўрсатмоқда, — дейди филиал директори, иқтисод фанлари доктори, профессор Қаландар Абдурахмонов. — Бу ерда асосан иқтисодиёт мутахассислиги бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланади. Шу билан бирга мазкур илм даргоҳда илмий изланишлар олиб бориш учун барча шароитлар муҳайё. Замонавий иқтисодиёт тараққиёти муаммолари бўйича илмий-амалий конференция ва семинарлар ўтказиб турилишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Зеро, бундай тадбирлар бир сўз билан айтганда, ҳар бир соҳада бўлгани каби иқтисодиётнинг турли йўналишларида иқтидорли ёшларни танлаган мутахассисликлари бўйича камолга етказиб, халқ хўжалигида ўзларини кўрсатишларига замин тайёрлашдан иборат.

Айни пайтда олий ўқув юртида 575 нафар талаба таълим олади. Улардан 20 нафари хорижлик ёшлардир. Ўқиш икки сменада олиб борилади. Лаборатория хоналари, учта компьютер синфи, 120 та компьютерлар талабалар ихтиёрида. Филиал кутубхонаси энг замонавий китоб ва журналлар, дарслик ва қўлланмалар билан жиҳозланган. Бундан ташқари, Россия элчихонаси томонидан совға қилинган китоблар сони 200 дан ортиқ. Олий ўқув юртида кутубхона, алоҳида мажлислар залидан ташқари махсус ажратилган хона мавжуд. Бу хона Президентимиз асарлари билан бойитилган.

Шу ўринда жорий йилнинг ўзида академия филиалида 4 та илмий-амалий конференция ўтказилиб, улардан иккитаси халқаро миқёсда бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳозир Г.В.Плеханов номли Россия Иқтисодиёт академиясининг 100 йиллигига бағишланган 20-Халқаро Плеханов ўқишлари ўтказилишига қизғин тайёргарлик кетмоқда.

Биз фаолияти ҳақида ҳикоя қилган филиалга раҳбарлик қилиб келаётган иқтисод фанлари доктори, профессор, Қаландар Абдурахмонов «Миллий тикланиш» демократик партиясининг фаол аъзосидир. Таниқли олим бизда тайёрланган иқтисодчи мутахассислар юртимиз гуллаб-яшнаши учун баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўша оладиган, ҳар томонлама етук кадрлар бўлиб етишади, дейди.

Адибахон ҒАЙРАТ қизи.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда партия фракцияси аъзолари, Марказий кенгаш девони ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ва ундан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов сўзга чиқиб, бошланғич партия ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлар фаолиятини кучайтириш, қонун ижодкорлиги ҳамда аҳолининг сиёсий ҳуқуқий онгини оширишда янада фаол иштирок этиш партия олдида турган долзарб вазифалардан эканлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши муносабати билан марказий ва маҳаллий партия ташкилотларининг келгуси йил учун мўлжалланган иш режаларида бу масалага алоҳида аҳамият қаратиш зарурлиги қайд этилди. Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бўшаб қолган ўринларига ўтказиладиган сайлов жараёнларига тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида ахборот берилди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисига киритилаётган «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

* * *

Маълумки, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси фаолияти учун масъул ҳисобланади. Шу боис навбатдаги фракция йиғилишида ушбу қўмита томонидан тайёрланиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига иккинчи ўқишда киритилаётган «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ҳамда «Журналистнинг касб фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ахборот эркинлигини, шунингдек, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгиликлар, фавқулодда ҳолатлар ва ҳоказолар ҳақидаги ахборотни олиш ва тарқатиш механизмларининг, ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларининг замонавий талаблар, демократик андозаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

«Журналистнинг касб фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига янги таҳрирда киритилмоқда. Амалдаги Қонун номининг ўзбек тилидаги матнида «касб» деган сўзнинг йўқлиги амалиётда айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқараётган эди. Сабаби, бошқа бирон-бир касбда ишлаб туриб ёки ҳеч жойда ишламасдан мақола-хабар ёзиб, уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилдирган жисмоний шахс ўзини журналист ҳисоблаши мумкин, лекин тақдим этилаётган қонун лойиҳаси бўйича бундай жисмоний шахс журналист ҳисобланмайди. Шу ўринда қонун лойиҳасининг энг асосий моддаси ҳисобланган 3-моддада «Журналист — оммавий ахборот воситаларида тарқатиш учун ахборот яратиш, тайёрлаш, тўплаш, уни қайта ишлаш ва таҳрир қилиш билан шуғулланувчи, оммавий ахборот воситаси таҳририяти билан меҳнат шартномаси ёки бошқа шартнома муносабатлари асосида фаолият кўрсатувчи ёхуд бундай фаолият билан мазкур таҳририят берган ваколатга кўра шуғулланувчи жисмоний шахс» дея белгиланган.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисига киритилаётган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди.

Номзодларимиз ҳақида ҳикоялар

«ЭЛИМ, ТАҚДИРИМДА СЕНИ КЎРАМАН»

Баъзилар бор. Тиним билмай елиб-югуради. Мақсадлари йўлидан чекинмай кунларни тунларга улайди, тонглар оқаради ҳамки, ишлари адоғига етмайди. Гўё хонасининг ҳар битта бурчагидан, столи тортмаларидан, ҳатто ихчамгина портфелидан ҳам нуқул «иш» чиқиб келаверади. Айрим лоқайд ва бепарво, ўз тирикчилигига ўралашиб қолганлар орасида бундай ишчан ва куйди-пишди одамларни кўриб қолсанг борми, беихтиёр қизиқишинг ортади. Ўйлай бошлайсан. Улар нега бунчалар беҳаловат? Нечун ташвишу юмушлардан бўшамайди? Нега? Охир-оқибат тушуниб етасанки, уларнинг ҳаловатсизлиги ичра эл-юрт ҳаловат топмоқда экан. Уларнинг туну кун чекаётган машаққатлари ортида она-Ватан тақдири, юртнинг гўзал келажаги турибди! Шуларни ўйлагач, қувонасан, кўнглинг хотиржам тортади.

Мен Хайринисо Мирзажонова билан суҳбатлашганимда худди шу хотиржамликни ҳис этдим.

Айтадиларки, дунёдаги меҳр йўллари Аёлнинг юрагидан бошланади. Офтоб чиқмасидан илгарироқ Аёлнинг юраги ёришади, жамики тириклик олами унинг билан бирга уйғонади. Аёл борлиққа меҳр улашиб, элни эзгуликка чорлаб яшаётган азиз ва мўътабар ҳилқат, табиатнинг гўзал мўъжизасидир! У оилани, ҳаётни, Ватанни ардоқлаш йўлида ўзини фидо қилади, меҳрини ва муҳаббатини аямайди, бунинг учун қанча куч-қувват лозим бўлса, шуни сарф этади, фақат ва фақат эзгулик йўлидан боради.

— Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси ва раис ўринбосари лавозимида иш бошлагунимга қадар назаримда жуда катта йўлни босиб ўтгандекман, — дейди Хайринисо опа. — Ортда қолган ҳаёт йўлим мени лаҳзама-лаҳза тарбиялаб борди, зеҳматли меҳнатга ўргатиб, элга қўшди, ўзгалар тақдири учун масъуллик ҳиссини юрагимга жо этди. Хизмат пиллапояларидан юксрилаганим сайин ўтган йилларимдан қайта-қайта рози бўлавераман.

Меҳнатсеварлик... Бизнингча, жамики муваффақиятлар ортида ана шу фазилат яширинган бўлади. Меҳнатни севувчи серғайрат одам ҳаёт мазмунини эрта англайди, вақтни қадрлашга одатланади. Хайринисо Мирзажонова ўсмирлик кезларини эсларкан, бунга амин бўлади. У оилада тўнғич қиз эди. Онаси бевақт ҳаётдан кўз юмди. Ўн нафар фарзанднинг ташвиши ота зиммасида қолди. Хонадон бошлиғи — Холмат ака масъул лавозимларда ишлаган ақлли, вазмин киши эди. Болаларнинг ҳаммаси меҳнаткаш, удли-шудли бўлиб улғайишди. Ота ўз умрини ана шу фарзандларига бахшида этди. Хайринисо опа турмушга узатилиб, ўзининг ўғил-қизларини улғайтираётган йилларда ҳам отаси, укалари ва сингилларидан меҳрини, эътиборини дариғ тутмаган, ҳамиша уларнинг ёнида туриб, тўйларига бош бўлган, инсонийлик бурчларини ҳалол уддалаган. Отаонасидан мерос бўлиб ўтган меҳнатсеварлик хислати бу аёлни нафақат оилада, балки ишида ҳам ютуқлар сари бошлаб бораверди. Тошкент давлат педагогика университетини тугатиб, пойтахт вилоятининг туман мактабларида ўқитувчилик қилаётган Хайринисо Мирзажонова ўзига хос иш услуби билан жамоа ишончини қозонди, изланувчанлиги туфайли тилга тушди.

— Ўттизинчи баҳоримни қаршилаётган кезларимда тақдиримга таъсир кўрсатувчи бир воқеа бўлиб ўтган, — дейди Хайринисо опа. — Москвадаги собиқ Бутуниттифоқ кўргазмасида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани бўйича вакил сифатида қатнашгандим. Ахлоқий тарбияга оид амалий ишларим юқори баҳоланиб, кўргазманинг олтин ва кумуш медалини олдим. Иш услубим қўлланма сифатида нашрдан чиқарилди ва мактабларга тарқатилди. Ўрта Чирчиқ туманидаги 9-мактаб директорлигига тайинланишимга мана шу воқеа туртки бўлганди...

У кўп ўтмай мактаб директорлигидан ўша кезларда ташкил этилган Наримонов шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири лавозимига кўтарилганида бунга ҳеч ким ажабланмади. Чунки Хайринисо Мирзажонова қандай мақсадлар билан яшаётгани ва нималарга қодир экани кўпчиликка аён эди. Одамлар унга ишонишарди. Шунинг учун ҳам ҳурматини жойига қўйишар, «опа» деб эъзозлашарди. Ёш авлоднинг эртанги куни учун астойдил куюнган раҳбар эл назаридан қолмайди. Бу хусусда муҳтарам Президентимизнинг шундай гаплари бор: «Раҳбари чинакам юртпарвар, ватанпарвар бўлмаган жойда иш олға силжимайди. Эл-юрт ташвишини ўз ташвиши деб қабул қила оладиган, эл дарди билан ёниб яшайдиган инсонгина халқ ҳурматига лойиқ бўлади».

Хайринисо Мирзажонова халқ таълими соҳасида раҳбарлик лавозимларида ишлаб юрганида 3 та умумтаълим мактаби, ўнлаб болалар боғчалари, мусиқий таълим ва спорт мактаблари, ёш техниклар клублари қурилишига бош-қош бўлди. Бунёдкорлик юмушларига йирик қурилиш ташкилотлари эътиборини жалб эта билди. Тадбиркор ва ташкилотчи сифатида ўзини кўрсатди. 1990 йилдан бошлаб у Бектемир туман ҳокимининг ижтимоий ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари сифатида иш юритди.

— Халқ маорифи соҳасида катта тажрибага эга бўлганим туфайлими, ўша йилларда ёш авлоднинг соғлигини асраш ва таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитни яратиш ишларига асосий эътиборни қаратардим, — дея эслайди Хайринисо опа. — Айниқса, тўқсонинчи йиллар охирларида Наримонов шаҳар халқ депутатлари Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари бўлганимда ҳам олтмиш нафарга яқин депутатлар билан кўпроқ ана шу масалаларни ҳал этардик. Умуман, ижтимоий муаммоларнинг аксарияти оилаларга келиб тақалишини ўша йилларда янада чуқурроқ ҳис этдим.

Опа ҳақ. Оила — жамиятнинг бир бўлаги. Қачонки, оилаларимизда буткул соғлом муҳит яратилсагина жамият ривожи илгарига силжийди. Очиқроқ айтганда, оилада Ватан улғаяди, улуғ миллат камолга етади. Демакки, оилалар тақдири бу кун давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежизга эмас. Хайринисо Мирзажонованинг ўзи ҳам катта оиланинг суюкли бекаси, умр йўлдоши билан аҳилликда ҳаёт кечириб, тўрт фарзандни улғайтирган жонкуяр она. У оилалар тақдирига аралашаркан, ҳамиша адолатли бўлишга, вояга етиб келаётган ўғил-қизлар келажагини биринчи ўринга қўйишга ҳаракат қилади.

Кам таъминланган хонадонларга моддий кўмак уюштириш, ёрдамга муҳтож қариялар аҳволидан хабар олиш, ёш оилаларда келиб чиқаётган низоларни бартараф этиш, бўлғуси келин-куёвларни никоҳгача тиббий кўрикдан ўтказиш ҳисобига оилаларда соғлом авлод яратилишини таъминлаш сингари масалаларни ҳал қилишда Хайринисо опа атрофидаги яхши инсонларга суянди, турмушда кўпни кўрган онаҳонлар маслаҳатларига қулоқ тутди, ўзи ҳамма вақт халқ орасида бўлди. Туманда тиббий муассасалар барпо этилишига ҳам ташкилотчи сифатида бош қўшди. Маҳаллаларда ҳашар анъанасини давом эттирди.

— Отам Холмат Исмоилов узоқ йиллар 56-автокорхонада масъул лавозимда ишлаганда эл-юртни ҳашарга чорлаб, болаларга мактаб қуриб берган эканлар. Йиллар ўтиб, ўша ўқув даргоҳида мен ҳам таҳсил олдим. Қаранг, халқимиз қанчалар мурувватли, ҳар жойда яхшилик юз очса ҳизматга шай, катта-кичикка доимо кўмакка шошилади. Шундай халқнинг фарзанди эканлигимдан ғурурланаман!

Мана шу ғурур туйғуси Хайринисо Мирзажоновани эзгулик сари етаклади. У Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси этиб тайинланганида ўз ҳаётий тажрибаларига таяниб иш юритди. Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод иқтидорли қизларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаб, давлат ва жамият юмушларига сафарбар этиш вазифаларини сидқидилдан уддалади.

— Муҳтарам Президентимиз юртнинг келажаги бугунги йигит-қизлар қўлида эканлигини кўп маротаба таъкидлаганлар, — дейди опа. — Шундай экан, ҳар жойда иқтидорли ва билимдон ёшларга кенг йўл очиб беришимиз керак. Ўтган йиллар ичида мукофот соҳибаси бўлган қизларимиз ўқиш ва ишда тенгдошларига ўрнак, шунингдек, жамият тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишаётгани ҳаммамизни қувонтиради. Улар орасида фан номзодлари, олимлар борлигини алоҳида таъкидлагим келади. Бу эса забардаст бир авлоднинг камолга етиб, изимиздан келаётганидан далолатдир!

Ҳа, уқувли қизларимиз, ишбилармон аёлларимиз ҳар соҳада етакчилик қилмоқдалар. Ўзбек аёлининг ишлаб чиқаришдаги ўрни, тадбиркор ва ташаббускорлиги, раҳбарлик фазилатлари эндиликда чет мамлакатлар халқларини ҳайратга солаётгани сир эмас. Хайринисо Мирзажонова ҳам ана шундай аёлларнинг биттасидир.

— Биласизми, аёлнинг бор кечинмалари гоҳи биз учун арзимас бўлиб туюлади, лекин аслида бундай эмас, — дейди Хайринисо опа. — Ўйлаб қарасак, унинг катта-кичик ташвишлари жамият ҳаётига дахлдор. Хўш, у «оилам тинч бўлсин, болаларим ҳеч нарсага зориқмасин, эркакларимиз ҳам уйга озгина қайишсин», деб елиб-югурса бунинг нимаси ёмон?! Демак, бугуннинг аёли ўзи сезмаган ҳолда жамиятнинг илгарилашига мадад беради.

Опанинг сўзларини эшитиб ўтирарканман, анча йиллар аввал ўқиган, бир шеър хаёлимдан ўтади:

Оппоқ баҳорларни
эркалаб қучар,
Нафасидан сачрар
гулларнинг атри.
Ҳали бу кўнгилнинг
бўш жойлари кўп,
Сиз уқиб олмаган
сирлари, дарди...
Жиндай меҳр беринг,
озгина сабр,
Кипригида қотган доғ
бор Аёлнинг.
Баъзан тоғ бўлолмай
ўтарсиз сиз ҳам,
Юрагида улкан
тоғ бор Аёлнинг!

Ўйлаб қоламан. Назаримда бундан минг йиллар аввал оналарнинг қалбларини безовта қилган ташвишлар бу кунги оналарни ҳам изтиробга солади. Қадимда аёллар қалбида қандай гўзал туйғулар мужассам бўлса, айни чоғда ҳам улар барқарор. Эзгуликка йўғрилган бу туйғулар биз «миллий қадрият» деб атайдиган жамики ўзбекона фазилатларнинг амалдаги ифодаси бўлса керак. Даврлар ўтгани сайин бу фазилатлар янада улғаяди, сайқалланиб авлодларнинг томирларига жо бўлаверади. Ахир, ҳамма замонларда ҳам аёл ардоқланган. Манбаларда ёзилишича, шоҳ Бобур Мирзо опаси Хонзодабегимга пешвоз чиқар экан, унга эҳтиром сақлаб отдан тушган. Сўнг опасини отга миндириб, ўзи пою пиёда йўлга тушган. Файласуфлардан бири «Аёлнинг кучи ва қудрати унинг заифлигидадир», деб айтганига кўп вақтлар бўлди. «Аёлни тушуниш учун уни севиш керак», деган ҳикмат ҳам қадимдан то бугунгача етиб келган...

— Аёлни эъзозлаб кўкларга кўтаргувчи, ўз оиласи туғул ўзга оилаларга ҳам қайишиб, улардан ўз кучини, меҳрини аямайдиган мард инсонлар юртимизда жуда-жуда кўп. Мен бундайлардан маънавий қувват оламан, — дейди Хайринисо опа. — Масалан, бир автокорхона бошлиғи Қаҳрамон Оқбоев ҳақида сизга сўзлаб берай. У ҳар йили кам даромадли хонадонлардан 20 та ўғил болаларни йиғиб, ўз ҳисобидан хатна тўйи ўтказиб беради. Маҳаллалардаги қаровчисиз қолган болаларнинг бир қанчасини уйлантириб қўйганига гувоҳ бўлганман. Яна бир тоифа инсонлар борки, улар ҳар ишда уддабурро ва юрт тақдирига фидо бўлишдек туғма хислатларга эгадирлар. Мен ўзим яқиндан билган ва ҳавас қилган ажойиб инсонлар қаторига Фарида Абдурахимова, Хуршид Дўстмуҳаммад, Шарифа Салимовани киритган бўлардим. Улар ўз тажрибалари, ишчанликлари билан менга ибрат, маслаҳатгўй, фидойиликларини эса жуда-жуда қадрлайман.

Яна бир гап. Хайринисо Мирзажонованинг мустақиллик йилларидаги самарали меҳнатлари ўз баҳосини олди. У ҳукуматимиз томонидан Фахрий ёрлиқ, «Шуҳрат» медали, «Мустақилликнинг бир йиллиги», «Мустақилликнинг ўн йиллиги», «Мустақилликнинг 15 йиллиги» кўкрак нишонлари билан тақдирланди. У Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси ҳам ҳисобланади. Бу аёлнинг айни кунлардаги хизматлари ҳам кўпчилик эътиборида. Ҳудудий партиялар ишига диққат-эътиборни қаратиш, уларга қулай шарт-шароитлар яратилишига бош қўшиш, аъзолар сафини тобора кенгайтириш ва ушбу сиёсий партия роли ва аҳамиятини ошира бориш, нуфузини белгилаш сингари кенг кўламдаги вазифалар салмоғи Хайринисо Мирзажонови янада шижоат билан иш юритишга ундайди.

— Шундай ишлайликки, миллат ўзлигини чуқурроқ англасин, миллий тафаккур равнақ топиб, кишиларимиз ўзбекона анъаналарга чин ихлос билан ёндошишга одатлансинлар. Шарқона турмуш тарзимизга юртпарварлик фазилатини сингдирайлик. Ана шундагина миллатимиз улуғворлиги янада ортади, шон-шуҳрати юксалади!

Бу — Хайринисо Мирзажонованинг суҳбатимиз якунидаги гаплари. Мен опани ҳаяжон билан тингларканман, болалигимидаги бир ҳикмат — мономнинг: «Ҳар бир аёл юрагида битта арслон ухлаб ётади», — деган сўзлари ёдимга тушди. Ҳа, ўз тақдирида юрт тақдирини кўрадиган, элининг қисматини ўзининг қисмати деб билгувчи, юрагида «кучли арслон»лари бор ўзбекнинг аёли улуғ тахсинларга лойиқдир. Буни салоҳиятли етакчи Хайринисо Мирзажонова мисолида кўриб турибмиз, десак асло янглишмаган бўламиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Номзодларимиз ҳақида ҳикоялар



Севимли адибимиз — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов бир суҳбат чоғи бадиий асарга ўзига хос таъриф берганди. Уни дард билан туғилувчи саккизинчи мўъжизага менгзаганди. Айни чоғда, ҳақиқий истеъдод соҳиби бошқалар кўрмаган нарсани топа олиши ва ўша «нарса» инсонни, халқни, борингки, жамиятни қаёққа бошлаши мумкинлигини тасвирлаб бериши, илмий тилда айтганда, ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантириши билан бошқалардан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаганди.

Зеро, истеъдод Аллоҳнинг инсонга бебаҳо иноятидир, ижод хаёлот ҳосиласидир. У баъзан кўкда ногаҳон ялт этган чақмоқ янглиғ туйқусдан кўзга ташланади. Кўзга ташланади-ю, бояги бир лаҳзалик чақин бутун борлиқни мунаввар этгани, ёмғирга ҳомиладор булутларга доялик қилгани, сўнгра раҳмат нурларидан поклaнган кўҳна олам қайтадан яшариб ва яшнаб кетгани каби истеъдод эгасининг келгуси ҳаёт йўлини белгилаб беради. Бирдан лов этиб аланга олган ижоднинг келажаги эса, Абдулла Қаҳҳор айтмоқчи, порлоқ бўлади. Ана шундай чўнг бахт соҳибларидан бири санъат оламига ўзига хос йўналиш, ўзига хос бетакрор услуб билан кириб келган, эндиликда ўзбек рассомчилик санъатининг забардаст намоёндаларидан бирига айланган мусаввир Ортиқали Қозоқовдир.

ЎЗИ ФАОЛ, МЎЙҚАЛАМИ БЕТАКРОР

ёхуд таниқли мусаввир — Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Қозоқов ижодига бир назар

Умурғаклигиданоқ санъатга ошно тутинди. Шу ошнолик туфайли ҳаял ўтмай кўпчиликнинг назарига тушиб, мутахассислар эътиборини тортди. Яна ким денг, мумтоз рассом Чингиз Аҳмаров унинг — эндигина еттинчи синфда ўқиётган ўсмирнинг «Гулхан» журналида чоп этилган асарларини юқори баҳолаб, «Оқ йўл» тилади.

Мўйқалам дарғасининг эътибори ва эътирофи Ортиқалини мактабни битиргач, пойтахтимиздаги санъат институтига етаклади. Бу даргоҳда у яна бир устоз рассомимиз Раҳим Аҳмедовга шогирд тушди. Ундан рангтасвир йўналиши бўйича сабоқ олиш асноси мўйқалам имкониятлари ва сир-асрорларини қунт билан ўзлаштирди. Дастлаб асосан реализм усулида расмлар чизди. Бора-бора XX аср бошларида Ғарбда пайдо бўлган ва жаҳон тасвирий санъатида етакчи ўрин эгаллаган модернизмга қизиқди. Шу йўналишда ижод қилган Пабло Пикассо, Сальвадор Дали, Анри Матисс, Поль Сезанин, Ван Гог сингари санъаткорлар маҳоратидан илҳомланиб, мазкур усулда ўзбекона манзаралар яратишга киришди. Асарларида декоратив ечим, халқ анъаналари, ўзбек фолкьлори каби миллий удумларни шарқона талқин этишга, рангдор тасвирлар қатига қишлоқ қалбини-ю, шаҳар ақлини сингдириб юборишга интилди. Энг муҳими, тажрибаси ошгани сайин масъулияти ҳам ошди. Қайтариқларни хуш кўрмайдиган, ҳар сафар янгиликка интиладиган, ўз дунёқарашига эга мусаввирга айланди.

Дарвоқе, Ортиқали Қозоқов ижодида ранглар етакчи ўрин эгаллайди. Ҳар бир асарида бўёқлар жилвасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Бунинг сабабини ўзи қуйидагича изоҳлайди: «Рассом ранглар моҳиятини, камалак жозибасини теран ҳис этиши, табиатдан андоза олиши лозим. Масалага шу жиҳатдан қарасак, биз — ўзбек мусаввирларининг омадимиз чопган. Серқуёш ўлкамиз табиати бетакрор олам — хилма-хил ва сержило бўёқларга ниҳоятда бой». Шу боис Ортиқали имкон қадар табиат қўйнида ижод қилишга, унинг бор гўзалликларини фалсафий мушоҳадалар ила бойитган ҳолда матога тушириш пайида бўлади. Ижодни муттасил ўз устида ишлаш ва тинмай изланиш деб тушунади. Асарларида турли тимсолу тилсимларни, рамзлару ишораларни мужассамлаштиришга ҳаракат қилади.

Тўғри, унинг аксарият чизгилари бир қарашда анча мураккаб, ҳатто, мавҳумдек туюлади. Тасвир услубининг ўзгачалиги, манзараларнинг хаёлот ва фазовийлик билан қоришиб кетгани ҳар кимга ҳам осонликча сингавермайди. Лекин диққат билан тикилсангиз, ана шу мураккаблик ва мавҳумлик замирида ўта самимийлик, жайдари соддалик ва жозибадорлик мужассамлигини илғаб оласиз. Ва бу Сизни беихтиёр ўйлашга, теран фикр-мушоҳада юритишга, ранглар қатидаги ҳикматларни уқиб, инсон, ҳаёт ва табиат ҳақида фалсафий хулосалар чиқаришга ундайди. Масалан, рассомнинг Истиқлол арафасида яратилган «Наврўз» номли картинасини олайлик. Унда яшил тўнга бурканаётган табиат, кетма-кет бораётган уч аёл ва эндигина лаб ёрган бойчечак тасвирланган. Аёлларнинг учови ҳам бир хил — оқ-ҳарир либосда. Учовининг ҳам бошида идиш. Фақат битта фарқи — биринчи аёл бойчечакдан анча олдинда. Иккинчисининг юзи кўринмайди. Боз устига, у бойчечакни четлаб ўтиб бормоқда. Учинчи аёл идишидаги буғдой майсалари эса биринчи аёлникидан-да баравж. У қўл қовуштирган кўйи очиқ чеҳра билан бойчечакка яқинлашмоқда.

Ажаб, нега айнан бойчечак? Нега яккаш аёллар?

Гап шундаки, аёл зоти ҳаётимиз кўрки, наслимизни давом эттирувчилар ҳисобланадилар. Ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам чексиз фоний дунёнинг бардавомлиги аёллар туфайли. Бу жиҳатдан улар табиатнинг ҳали аёз заҳри аримай туриб, қорлар остидан униб чиққан илк чечаги — чучмомога ўхшайдилар. Бойчечак эса кўклам элчиси, қадимдан нишонланиб келаётган миллий байрамимиз — Наврўз тимсоли. Олдиндаги аёл идишида ниш урган майсалар ана ўшанга ишора. Аммо, биласиз, шўролар замонида Наврўз қатағон қилиниб, тақиқланди. Шу боис ўртадаги аёл идишида ҳеч вақо йўқ. Учинчи аёлнинг ҳолати эса Истиқлолга шукроналикни ифодалайди. У қайтадан қадр топган қадриятларимизга таъзим бажо қилмоқда. Демак, мантиқан биринчи аёлни узоқ ўтмишимиз, иккинчисини — кечаги кунимиз, учинчисини — бугунимиз рамзига йўйсак, хато бўлмайди. Мухтасар қилиб айтганда, «Наврўз»да инсон умри ва тузумлар ўткинчилиги, халқона урф-одатлар ва миллий байрамлар боқийлиги бўёқлар воситасида ифодаланган, маъжозан она юрт мадҳ этилган.

«Ватан ҳақида қўшиқ»да тор чалаётган қиз эл-улус ҳимоясига отланаётган суюкли ёрини мардликка ва ғалабага ундаётган бўлса, «Уч дўппи»да бир аёл-у бир эркакнинг бош кийимларини ва тўлин ойни ўзаро боғлаб турган зангори новдалар тимсоли орқали табиат билан инсонларни ҳаргиз бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар ўртасида ҳамиша кўз

илғамас қандайдир уйғунлик мавжуд деган ғоя олға сурилган. Ёки «Байрам садолари»га эътибор беринг. Бу расмга кўзингиз тушиши биланоқ, қалбингизни ажиб бир илиқ туйғу чулғаб олади. Негаки, унда ҳам эшак арава устида бораётган, эгнига оқ кўйлак кийган, бошига ҳарир рўмол ўраб, тириклик рамзи — буғдой майсаси унган тоғораларни қўйиб олган, сочлари қирқ кокил қилиб ўрилган уч аёл тасвирланган. Улар тантанага шошилмоқдалар. Байрамга байрам қилиб кириб бормоқдалар. Йўл-йўлакай бошқаларни ҳам ўйнаб-кулишга чорламоқдалар. Шунданмикин, арава олға дадил илдамлайди. Миллий чолғумиз — чилдирма овози ҳаёт давом этажагидан дарак бериб, сукутга чўмган пурвиқор тоғлар оғушида баралла янграйди. Унга найнинг шўх-майин наволари жўр бўлади. Бутун борлиқ дилрабо оҳангларга тўлади. Бу манзара томошабинни ҳам алланечук шодиёна муҳит сари етаклайди. Уни беихтиёр қувноқ аёлларга қўшилиб, байрамга ошиқишга ундайди.

Бинобарин, Ортиқалининг кўплаб асарларида миллийлик ва замонавийлик қўш қанот янглиғ парвозга шайланиб туради. Мустақиллик йиллари тарихий-маданий мавзуларда яратилган «Соҳибқирон руҳи», «Самарқанд гумбазлари», «Гўри Амирга йўл», «Шоҳи Зинда», «Оқ қасрда», «Темурий маликалар» «Бибихоним», «Сароймулкхоним», «Камолиддин Беҳзод», «Абдулҳамид Чўлпон», «Буюк Ипак йўли бўйлаб», ишқий, маданий, замонавий мавзулардаги «Лайли ва Мажнун», «Отабек ва Кумуш», «Севги баҳори», «Тахтиравон», «Истиқлол», «Янги кун», «Шарқ келинчаги», «Сукунат», «Опа-сингиллар», «Дугоналар», диний-фалсафий мавзулардаги «Ҳаж», «Азон», «Масжид олдида оқшом» каби картиналарда одамзот тақдири, унинг бугуни ва келажаги ўтмиш билан ҳамоҳанг-уйқаш ҳолда тасвирланади. Уларни кузатаркансиз, манзара ичра пинҳон манзарадан, ўзаро уйғунликдан, ранглар жилосидан ўйчан ҳайратга тушасиз. Кўҳна гумбазлар, равоқлар, устунлар, унутилган тегирмонлар, мозий афсоналарига лиммо-лим карвонсаройларга боқиб, хаёлот дарёсига ғарқ бўласиз. Пировардида қаршингиздаги чизгиларни шохида умумбашарий мевалар етилгувчи, илдизи миллий заминда ётгувчи ям-яшил дарахтга қиёслайсиз.

Ана шу афзалликларига кўра, Ортиқали Қозоқовнинг асарлари тез орада тасвирий санъат ихлосмандларининг меҳрини қозонди. Нафақат республикамиз миқёсидаги, балки кўплаб халқаро кўргазмаларда ҳам муваффақиятли намойиш этилди, дипломлар ва махсус совринлар билан тақдирланди. Бугунга келиб айримлари республикамизнинг ўнлаб давлат ва жамоат идоралари, баъзилари йигирма бешга яқин чет мамлакатлар музейларида ва дунёга таниқли кишиларнинг шахсий коллекцияларида сақланмоқда. Унинг ижодий фаолиятига доир монографик альбом-каталоглар, оммавий ахборот воситаларида кўплаб мақолалар босилган ва босилмоқда.

Табиийки, Ортиқали фақат мусаввирлик билангина шуғулланиб, ўз қобиғига ўралашиб қолгани йўқ. Билъакс, жамият ҳаёти ва жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Дастлаб ўзи туғилиб ўсган Поп тумани, Санг қишлоғидаги мактабда ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ёшларга расмдан сабоқ берган бўлса, кейинчалик собиқ иттифоқ академиясининг Тошкентдаги ижодий устахонасида аспирантлик қилди. 2001-2003 йилларда Ўзбекистон Бадиий академиясида академик котиб, Камолиддин Беҳзод меморіал боғ-музейида директор лавозимларида ишлади. Сўнгги пайтларда эса тасвирий санъатимиз ютуқларини, энг янги ижодий жараёнларни ёритишга, истеъдодли ёшларни кашф этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор билан ёндашмоқда. Эзгу мақсадда қатор йиллардан буён республика телевидениесининг «Ассалом, Ўзбекистон!» дастури таркибидаги «Мусаввир шарҳи», «Тошкент» телерадиоканалидаги «Рангин лаҳзалар» кўрсатувларини олиб бормоқда. Газета-журналлар саҳифаларида тасвирий санъатимиз намоёндалари ҳаёти ва ижоди ҳақидаги мақолалари билан қатнашмоқда. Шунингдек, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий академия ҳамда телевидение томонидан уюштирилаётган кўрик-танловларда бошловчилик қилиб, ғолиб ўқувчиларни мунтазам равишда шахсий совғалари билан тақдирлаб келмоқда. Тасвирий санъат оламига эндигина қадам ранжида қилаётганларга ҳомийлик ва устозлик қилмоқда. Уларнинг иқтидорини холис баҳолашга, росмана ижодга рағбатлантиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

Яна бир гап. Ортиқали Қозоқов «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг аъзоси сифатида ҳам фаол иш юритмоқда. Партиянинг мақсад-вазифаларини аҳоли кенг қатламлари ўртасида тарғиб қилишга, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ишини такомиллаштиришга, аъзолари сонини кўпайтиришга, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга интилмоқда. Турли мавзуларга бағишланган учрашувларни уюштиришда, кўргазмалар ташкил этишда ташаббус кўрсатмоқда.

Албатта, ҳалол меҳнат ҳеч қачон ерда қолмайди. Сидқидилдан ишлаган одам асло кам бўлмайди. Мана, Ортиқалидан қиёс. У ижоддаги муваффақиятлари эвазига 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Бадиий академиясининг биринчи олтин медали билан тақдирланганди. 1998 йили, Юртбошимиз Фармонига биноан, «Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби» фахрий унвонига лойиқ кўрилди. Яқинда унинг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди. «Миллий тикланиш» демократик партиясининг навбатдан ташқари Пленумида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 86-Қўқон сайлов округида бўшаб қолган депутатлик ўрнига номзоди кўрсатилди.

Шубҳасиз, кўпчилик эътирофи катта муваффақият, эл ишончи чўнг мукофот! Модомики, шундай экан, биз Ортиқали Қозоқовга ижодий ишларида янги зафарлар ва жорий йилнинг 24 декабрида бўладиган сайловда омадлар тилаймиз!

Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

ИШОНЧИМИЗ КАТТА

Асли касби ўқитувчилик бўлган сафдошимиз Акром Қиличевнинг депутатликка номзоди қўйилганини эшитиб, Бухорога сим қоқдик. Партиямизнинг вилоят кенгаши раиси гап орасида тез кунларда Тошкентга келишини айтди. Орадан кўп ўтмай у билан таҳририятимизда мухтасаргина суҳбатлашдик. ЎзМТДП Бухоро вилояти кенгаши иши кейинги вақтда сезиларли даражада яхшиланганида жонкуяр раҳбарнинг ҳиссаси бор, албатта. Партия ишини жонлантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунда биринчи навбатда бошланғич ташкилотлар сонини кўпайтириш, аъзолар сафини кенгайтириш кераклиги ҳеч кимга сир эмас. Мана шуларни қисқа вақт ичида тушуниб, ишни тўғри йўлга қўя олди у. Турли вазифаларда ишлаб, ўзига хос тажриба орттиргани боис, бу ишни ҳам кўнгилдагидек бошлади. Оз фурсат ичида аъзолар сони ортди, уларнинг халқ орасидаги фаоллиги ҳам ошди. Ўз сафларига зиёлиларни бирлаштирган вилоят кенгаши фаолиятидаги ўзгаришлар партиянинг аҳоли орасидаги мавқеини янада оширди. Катта ишонч билан партияга аъзо бўлаётганларни кўриб, жойларда ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар, айниқса, ёшлар даврасида ташкил этилаётган давра суҳбатлари бесамар кетмаётганини сезиш қийин эмас.

Парламент жамият ҳаётининг кўзгусидир. Депутат эса халқнинг ишончли вакили. Унинг ҳар бир иши шу ишончга муносиб бўлиши керак. 25-Ибн Сино сайлов округидан депутатликка номзоди кўрсатилган партиямиз фаоли билан бўлган суҳбатимизнинг аввало вилоят кенгаши иши ҳақида борди.

— Ҳар бир инсон, у қайси лавозимда ёки касбда ишламасин, юрт тақдирига бефарқ бўлмаслиги керак деб ўйлайман. Партия иши ҳамма вақт ҳам ана шундай фидойиликни, фаолликни талаб этар экан, — дейди у. — Фаолларимиз ташаббуси билан жойларда ўтказилаётган учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари ҳар доим ҳам қизғин тус олади. Сафларимизга катта ишонч билан кираётган, мен ҳам «Миллий тикланиш»га аъзо бўламан, дейдиганлар орасида ёшлар кўплигидан қувонаман. Энг муҳими, улар ўзининг мустақил фикрига эга. Партиядошларимиз орасида нафақат зиёлилар, балки бошқа соҳа вакиллари ҳам бор. Бу ишимиз қўламини янада кенгайтиради. Вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» қошида ёшлар учун ҳуқуқий маслаҳатхона ҳамда ёш кадрларни иш билан таъминлайдиган бандлик маркази очилгани ҳам фаолиятимизга бошқаларнинг қизиқишини янада орттирди. Шерзод Холиқов бошчилик қилаётган ёшларнинг кўпчилиги ўз тенгдошларининг миллий тикланиш руҳида тарбиялашишига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Ўқишни тамомлаб, қўлига диплом олган партиямиз аъзоларини ишга жойлаштириш масаласи ҳам «Ёшлар қаноти»нинг зиммасида. Ўйлайманки, бу нарса ёшларнинг ўзига бўлган масъулиятини яна бир бор оширади, уларнинг бахтли келажагига мустаҳкам замин яратади. Вобкент, Шофиркон, Жондор туман кенгашлари ҳозир алоҳида ҳисоб рақамларига эга. Бухоро Давлат университети, Бухоро технология ва озиқ-овқат саноати институти билан биргаликда қилинадиган ишлар режасини тузиб чиқдик, ҳамкорлик шартномалари имзоладик. Ҳаракатларимизда озми-кўпми юртимиз тараққиётига хизмат қиладиган тадбирлар, эзгу амаллар мужассам.

Энди депутатликка номзоднинг қисқача таржимаи ҳоли билан танишайлик. У 1978 йилда Бухоро туманида туғилган. Маълумоти — олий. 2001 йилда Бухоро Давлат университетининг хорижий филология факультети рус филологияси бўлимини тамомлаган. 2004 йилда шу олийгоҳдан психология йўналиши бўйича магистрлик дипломини қўлга олди.

Акром Қиличев 1996 йилда Ижтимоий суғурта жамғармаси Бухоро тумани бўлими етакчи мутахассиси бўлиб иш фаолиятини бошлаган. У 1997 йилда Галаосиё тумани алоқа бўлимига оператор бўлиб ишга жойлашди ва талабалик давригача шу ерда ишлади. Олий илмгоҳда ўқишни тамомлагач, Галаосиё тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида, орадан бир йил ўтиб Бухоро Давлат университети психология кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишлади. 2002 йили жамоат ишларида фаоллиги, ташаббускорлиги боис уни «Маънавият ва маърифат» маркази Бухоро вилояти бўлимига етакчи мутахассисликка ишга таклиф қилишди. Магистратурадаги ўқиш, ўқитувчилик ишидан ортиб, вилоятда ўтадиган маънавий-маърифий тадбирларнинг етакчиси сифатида ҳам мақтовга арзигулик ишларни амалга оширди. 2005 йилда Бухоро вилояти ҳокимлиги етакчи мутахассиси, Бухоро технология ва озиқ-овқат саноати институти касбий таълим факультетида декан ўринбосари вазифаларида ишлади. Жорий йилнинг март ойидан бошлаб ЎзМТДП Бухоро вилояти кенгаши раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Умр йўлдоши Ферузахон ҳам ўқитувчи. Улар икки нафар фарзандни тарбиялашмоқда.

Депутат чин маънода халқ вакилидир. У жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга муносабат билдирган ҳолда сайловчиларининг талаб ва таклифларини ҳам инобатга олиб иш юритиши керак. Ана шу маънода Акром Қиличевнинг сайловолди дастуридаги режалари билан ҳам қизиқдик.

— Ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшашдан мақсади бўлади. Улар қаторига ўз ташвишидан ортиб бошқа юртдошларининг орзу-истакларига хайрихоҳ бўлиш ҳам киради, — дейди у. — Қишлоқ жойларида тиббий хизматни яхшилаш, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш, янги иш ўринларини очиш каби муаммолар бор. Ҳар бир одам ўзи яшаётган жойнинг муаммоларини яхши билади. Уларни бартараф этиш учун биринчи навбатда маҳаллий аҳолининг фикрини ўрганиш, таклифларига қараб иш тутиш ўринли, назаримда. Ўзим Бухоро туманидаги «Узумчилик» ширкат хўжалигида истиқомат қиламан. Ҳудудимизда иккита катта саноат корхонаси бор. Иш билан банд аҳолининг асосий қисми Галаосиё вино заводида, қолган қисми эса «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида ишлайди. «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида аввалари 12 минг киши ишлаган бўлса, бугунги кунга келиб бор-йўғи 3 мингга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Туман марказида аҳоли анча зич жойлашган. Аҳолисининг бир қисми бошқа ҳудудларга чиқиб ишлашини ҳисобга олсак, бу борада қилиниши керак бўлган ишлар етарли.

Юқорида санаб ўтилган камчиликлар қаторида жамоат транспорти қатновини яхшилаш муаммоси ҳам бор. Тўғри, бу каби муаммолар ҳукуматимиз томонидан аста-секин ҳал қилинмоқда. Қолаверса, юқорида айтиб ўтганимдек, сафларимиздаги ёш авлод вакиллари иштирокида йигит-қизларни ишга жойлаштиришга ҳаракат қилаяпмиз. Халқнинг ишончли вакиллари ҳам муаммоларни бартараф этишга бош-қош бўлиши керак, деб ўйлайман. Сайловолди дастуримни тузишда ана шу нарсаларга алоҳида эътибор берганман. Бундан ташқари, партиямиз дастурида илгари сурилган ғояларга ҳамоҳанг руҳда ишлашни ўз бурчим деб биламан.

Суҳбатдошимиз мустақиллик йилларида юз берган ўзгаришлар ҳақида ҳам тўлқинланиб гапирди:

— Истиқлол йилларида вилоятимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Замон талабларига жавоб берадиган касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда ёшларимиз билим сирларини ўрганишмоқда. Бухорои Шариф қадимдан илму маърифат марказларидан бири ҳисобланган. Вилоят марказидаги тарихий обидалар мозийда ҳам бу маскан зиёлилар яшаган гўша бўлганини исботлаб турибди. Миллий қадриятларни тиклаш партиямиз Дастурига киритилган бош мақсадлардан биридир. Вилоятимиздаги тарихий гўшалар, зиёратгоҳлар, мадрасаларнинг таъмирланаётгани, миллий урф-одатларимизга ёшларнинг ҳурмат ва эътиборини оширишга бўлган ҳаракат жонланаётгани ҳам мана шу ягона мақсадга қаратилган. Республикамиздаги ҳар бир вилоятда ўзига хос урф-одатлар, асрий анъаналар бор. Улар миллийлигимизнинг биринчи белгисидир. Бебаҳо қадриятларимиз йўқолиб кетмаслиги учун аввало биз — «Миллий тикланиш»чилардан ҳаракат керак. Шу мақсадда турли хил кўрик-танловлар ташкиллаштириш ҳам режамизда бор. Депутатлик ҳам ўз ишимизга бўлган масъулиятимизни икки баробар оширади. Ўзим қатори сайловолди учрашувларга тайёргарлик кўраётган номзодларга олдиларига мақсад қилиб қўйган вазифаларни сидқидилдан адо этиш йўлида омад ва муваффақият тилайман. Муҳими, бизга билдирилаётган ишончга лойиқ бўлайлик.

Ўзбекнинг шоир бўлмагани кам, дер эди бир устозимиз фахр билан. Чиндан ҳам, дилида меҳру муҳаббати бор одам борки, юрагидагини қоғозга тўкади. Суҳбатдошимиз ҳам кўнглидаги гапларни қоғозга кўчириб туришга одатланган экан. Ён дафтаридаги шеърларининг кўпчилиги Она юрт, замондошларимиз ҳақида. Мана, улардан бири:

Тарихин билган халқ қадрин билади,
Ёшларининг фикри теран бўлади.
Юртнинг тинчлиги ва равнақи учун
Ёвузлар олдида бардам туради.

Осиё қўйнида навқирон халқим,
Дунёни забт этдинг тафаккур ила.
Энг азиз меҳмонинг бўлса-да ҳар ким
Огоҳлик чироғи ўчмасин сира.

Орзу-умидларини Ватани тақдирига пайваста билган одамгина инсон деган шарафли номга муносибдир аслида. Сўзимиз сўнгида ёш бўлишига қарамай, турли соҳаларда ишлаб, ҳаётий тажриба орттирган, замондошларининг орзу-истакларини тушунган муносиб номзодга сайловолди учрашувларда дадиллик тиладик.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.

Партиямиз фаоллари

НИЯТЛАР ПОК, МАҚСАДЛАР МУШТАРАК



Юртимизда фаолият олиб бораётган мавжуд сиёсий партиялар орасида "Миллий тикланиш"нинг ҳам ўзига хос нуфузи бор, партиянинг мақсадлари ҳам кенг халқ оммасининг орзу-ниятларига мос келади. Бунда вилоят, шаҳар, туман кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг ҳиссаси катта, албатта. ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши раиси Баҳодир БОБОЖОНОВ билан қилган суҳбатимиз ҳам шулар ҳақида бўлди.

Баҳодир Бобожонов 1952 йилда туғилган. Тошкент Политехника институтини тугатган. Иқтисод фанлари номзоди.

— Баҳодир ака, партиянинг вилоят кенгаши фаолияти ҳақида маълумот бермасангиз.

— Олий Мажлис томонидан «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан кейин партия ишлари чинакамига фаоллашди. Бугунги кунда партиямизнинг вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари шаклланиб, зарур хоналар, жиҳозлар, компьютер, алоқа воситаси билан таъминланган. Вилоятимизда 2300 дан ортиқ аъзоларни бирлаштирувчи 151 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатаётир. Улар билан алоқалар ўрнатилган, ҳар ойда ҳар бир шаҳар ва туманда ижтимоий-маънавий, сиёсий тадбир бўлиб ўтяпти.

— Партия фаолиятини жонлантириш учун кўпроқ нималарга эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

— Бунга асосан ташкилий-партиявий ишлар ва ижтимоий масалалар киради. Биринчиси партиянинг ташкилий тузилишини мустаҳкамласа, иккинчиси аҳоли ўртасида обрўни оширади. Газ ва қўмир таъминотидаги қийинчилик, шаҳарлардаги коммунал хизмат корхоналари фаолиятидаги камчиликлар, дўконлар ва хизмат соҳаларининг иш фаолияти, медицина ва почта хизматининг сифати масалалари билан жиддий шуғулланган партиянинг ҳам, партия ходимининг ҳам нуфузи баланд бўлади. Бунда партия аъзоларининг жонкуярлиги катта аҳамият касб этади. Партия дастури ва уставини тан олган, атрофдаги воқеаларга лоқайд, бепарво бўлмаган кишиларни партиямиз сафига жалб қилиш ҳам яхши самара беради. Лекин бу борада сонга эмас, кўпроқ сифатга эътибор қаратган маъқул.

— Партиямиз миллий қадриятларни, анъаналарни тиклашда амалга ошираётган ишлари нималарда кўринади?

— Бугун бизни ташвишга солиб турган бир муаммо бор. Бу халқимизнинг азалий миллий қадриятлари, анъаналари баъзан унутилиб, ўрнига Ғарб турмуш тарзи кириб келаётганидир. Афсуски, айрим ёшларимиз бу иллатларга кўр-кўрона эргашмоқдалар.

Бу партиямизга катта масъулият юклайди. Партия Марказий кенгаши томонидан «Миллий қалом, миллий либос ва миллий таом», «Давлат тили — фахримиз, ғуруримиз» каби бир қанча тадбирлар миллийлигимизни асраш, эзгу урф-одатларимиз тарғиботи йўлида қўйилган қадамлардандир.

— Партияларнинг омма орасига чуқур кириб бора олмаётгани ташвишли ҳолат. Сиз бу ҳолни қандай баҳолайсиз?

— Бу ҳолатни бартараф қилиш учун юқорида айтиб ўтилган ижтимоий масалаларни ҳал қилиш билан бир қаторда ошкораликни ошириш лозим. Юртбошимиз: «Партияларнинг тили чиқиб қолибди, энди уларнинг тишлари ҳам чиқиши керак», — деган эдилар. Бу жараён оғирлик билан кечаяпти. Чунки андиша отли бир туйғу кўпинча бунга имкон бермаяпти. Шарқ халқларига, миллатимизга хос эзгу анъаналарни унутмаган ҳолда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиб бориб, албатта мақсадимизга эришамиз.

— Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси билан киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳасини партиядошлар орасида тарғиб қилиш юзасидан вилоятда қандай ишлар олиб борилмоқда?

— Мазкур қонун лойиҳаси бўйича яқинда вилоят кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Энди шаҳар ва туманлар кенгашларининг пленумлари ва бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилиш режалаштирилди. Муҳокамада сўзга чиққан барча партиядошларимиз мазкур ҳужжатни мамлакатимизда сиёсий ислоҳотларни рўёбга чиқариш, кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш тамойили асосида амалга оширилаётганини мамнуният билан эътироф этмоқдалар. Мазкур қонун лойиҳаси сиёсий партияларнинг омма орасидаги нуфузи ошишига катта туртки бўлади.

— Сиз узоқ йиллар турли масъулиятли лавозимларда ишлагансиз. Ҳаётий тажрибангиз катта. Сизнингча бугунги раҳбар қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

— Бугун давр шиддат билан, интенсив равишда ривожланиб бормоқда. Жамиятдаги ва табиатдаги воқеалар ҳам, фан-техника тараққиёти ҳам ўзгариб туради. Мана шундай катта ахборот оқимида тўғри йўл тутиш, воқеаларга ҳаққоний баҳо бериш учун ҳам кўп ўқиш, ўрганиш зарур бўлади. Ҳар бир раҳбар ишини мукаммал билиш билан бирга бағрикенглик, қалби очиқлик каби яхши фазилатлар билан инсонлар дилига йўл топа билиши лозим.

— Иш бор жойда камчилик, муаммолар ҳам бўлиши табиий. Бу ҳақда партиянинг вилоят кенгаши раиси сифатида нима дея оласиз?

— Муаммолар асосан ташкилий-партиявий ва моддий масалаларда. Ҳар бир бошланғич партия ташкилоти билан мунтазам алоқа ўрнатиб, уларда ҳар ойда камида бир марта партия аъзоларининг йиғилиш-суҳбатлашувини ташкил қила олмаяпмиз. Янги партия аъзолари ва бошқа партиялардан чиқиб, бизнинг сафимизга қираётганлар билан дилдан суҳбатлашиш, аъзолар ҳисобини юритиш, уларнинг миграциясини қатъий назоратга олиш ишларида оқсоқликлар мавжуд. Буларнинг барчаси кадрлар фаолияти ва малакасига келиб тақалади. Биламизки, партия иши ҳам мураккаб соҳа, кўп ўқиш, изланиш, ўрганишни талаб қилади. Янги келган ходим ўргангунча бошланғич партия ташкилотлари билан алоқа вақтинча узилиб қолиши мумкин. Вилоят ташкилотига автотранспорт, замонавий техника воситалари зарур.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Юртбошимиз томонидан барча партиялар олдига юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, мамлакат осойишталиги, аҳолининг баҳамжиҳатлигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг келажакда гуллаб-яшнаган буюк давлат бўлиши учун ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш, фан-техника тараққиётини тарғиб қилиш, миллий маънавият ва ўзликни англаш, миллий ғурур ва онгни шакллантириш ишларини ташкил этиш каби бир қанча вазифалар қўйилган. Мазкур залворли ва шарафли ишларни амалга оширишда ҳам кўп сонли, ҳам кам сонли партияларнинг имкониятлари тенг ёки бир-бирига яқин бўлиши лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида ўз фракциясини тузган партияларнинг депутатлари сони асосида ажратиладиган маблағларга қараб дифференциаллаш бўйича «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунга таклифлар киритиш вақти етди деб ўйлайман.

Ашурали ЖЎРАЕВ суҳбатлашди.

ЭЛ АРДОҚЛАГАН ШИФОКОР

Юраклар, қалбларни даволаб яшаётган хивалик шифокор Илҳомбой Маткаримов ҳаёт тарзи кўпчиликка ибратлидир.

Юзидан нур ёғилиб, кўзлари самимий боқиб турувчи бу инсонни нафақат Хива туманида, балки вилоятда ҳам кўпчилик яхши танийди. Чунки у қачондир, кимларгадир қўлидан келганча беминнат, бетаъма холис хизмат кўрсатган. Беморни ҳаётга қайтарибгина қолмасдан, уларнинг руҳини соғломлаштириб, яшашга бўлган ишончини оширишга интилган.

Ҳар гал шифокор Илҳомбой ака билан суҳбатлашганимизда Алишер Навоий ҳазратларининг «Табибнинг юзи, ўзи, аслияти тибга монанд бўлмоғи керак», деган сўзлари беихтиёр ёдимизга тушади. Бу эса бежиз эмас.

«Илҳомбойни кўрган заҳотим негадир кўнглимда мен ҳамма дардни енгиб, албатта, тузалиб кетаман, деган ишонч пайдо бўлган», дея эслайди Гандимиён қишлоғилик 60 ёшли Матвафо ота. «Чунки у юзи, кўз қараши билан одамларга мадад бўла олар, шунинг учун бўлса керак мен ниҳоятда хотиржам, осойишта эдим». Отахон шифокор ўйлаганидан ҳам тез соғайди.

Тун, ҳамма ёқда тинчлик, осудалик ҳукмрон. «Худога шукур бугун ҳеч ким касалланиб келмади», дея қувониб турган Илҳомбойнинг қулоғига «Тез ёрдам» машинасининг шовқини эшитилди. Бемор келтирилди. Аҳволи оғир, тириклик нишоналари сўнгандек эди. Шифокор бу гал ҳам довдирамади. Ишонч, хотиржамлик билан касалнинг қўлларидан ушлади, дарҳол биринчи ёрдам кўрсатилди. Дашёқ қишлоғилик Эгамбой Ҳасановни юрак инфаркти хуруж қилган эди. Унинг яқинлари йиғлаб ўтиришарди. Шифокорнинг вақтида кўрсатган ёрдами туфайли бемор ҳаётга қайтди.

— Сиз отамни қайтариб бердингиз, умрбод сиздан қарздормиз, — дея фарзандлари шифокорга миннатдорчилик билдиришди. Шунда у:

— Агар мендан миннатдор бўлсангиз, яқинларингиз кўнглига далда бўлинг, яхши инсонлар бўлиб етишинг, — дея дил сўзларини изҳор этди.

Шифокор ҳаётида бундай воқеалар кўп учрайди. 95 ёшли отахон, Хива туманидаги Журён қишлоғида яшовчи Ражаббой ота Бобожонов Илҳомбойни ҳамиша ҳурмат-эҳтиром билан эслайди:

— Ўшанда юрагимни текширириш учун ҳузурига борган эдим. Илҳомбой буйрак, сийдик йўлимда ҳам касаллик борлигини аниқлади. Уйда аёлим иккаламиз, фарзандларим хизмат сафарида эдилар. Илҳомбой дарҳол муолажа бошлади. Ҳатто операция қилинаётган пайтимда ҳам консультант (ёрдамчи) сифатида йўл-йўриқ кўрсатиб турди. Бундай кўнгли кенг, хушфеъл, самимий, холис одамни унутиб бўлармиди. Уни ўғлим деганман...

Кўпчиликдан олқиш олиб, касбини шарафлаб яшаётган, ЎзМТДП аъзоси Илҳомбой Маткаримов 1955 йилда Хива туманининг Пирнахос қишлоғида туғилган. У болалигидан шифокорликка ҳавас қўйди, оқ халат кийиб юриш унинг эзгу орзуси эди. Шу орзу ниятида Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. 1978 йилда уни тугатиб, Хива туманидаги марказий касалхонада иш бошлади. 1979-80 йилларда тумандаги Гулистон участка касалхонасида врач-терапевт, 1982-97 йилларда эса туман марказий шифохонаси кардиология бўлимида врач-кардиолог бўлиб меҳнат қилди. Ҳозир туман шифохонаси кардиология бўлими бошлиғи лавозимида фаолият кўрсатяпти.

Бўлимдаги шифокор ва ҳамшираларнинг хушмуомалалиги, беморларга меҳрибонлиги, озодалик, тартиб-интизом Илҳом аканинг талабчан раҳбарлигидан далолат беради. У оилада ота сифатида фарзандларига ҳам яхши тарбия берди. Беш нафар фарзандидан уч нафари ота касбини танлади. Турмуш ўртоғи Раъно опа ҳам шифокор.

Илҳом ака шогирдларига ҳамиша бир нарсани уқтиради:

— Таъмагир инсон шифокор эмас, у инсон ҳаёти билан савдо қилувчи олчоқдир. Ҳеч қачон беморнинг қўлига қараманг. Унинг юрагига, руҳига далда беришга ҳаракат қилинг. Бемор сиздан миннатдор бўлсин, унда шифокор олижаноб инсон деган тасаввур қолсин. Шунинг ўзи бахтдир!

Ҳа, Илҳом Маткаримовнинг ўзи ана шундай бахтга, шарафга эришиб яшаётган мартабали инсондир.

М. ТИЛЛАЕВА, ЎзМТДП Қўшкўпир туман кенгаши раиси.

РАҲБАР УДДАБУРОН БЎЛСА...

Хоразм азал-азалдан ўзининг бой тарихий меросига эга. Бу воҳа не-не алломаларнинг бешигини тебратмаган. Бу тупроқдан олиму фузалолар, қўли гул уста-ҳунармандлар етишиб чиқмаган дейсиз. Айниқса, Хива гиламининг довруғи Буюк Ипак йўли орқали етти иқлимга етган.

Хўш, ҳозирда мамлакатимизнинг етакчи иқтисодий салоҳиятга эга корхоналаридан бири ҳисобланган «Хива гилами» очиқ акциядорлик жамиятининг фаолияти қандай?

Албатта, ҳар қандай корхонанинг ривожланиши жамоанинг аҳиллиги билан бирга, бевосита раҳбарга боғлиқ. У қанчалик уддабурон, ишнинг кўзини биладиган бўлса, корхона шунчалик ривожланаверади. Улуғбек Аҳмедовнинг мазкур корхонага раҳбар бўлиб сайланганига ҳали унчалик узоқ вақт бўлгани йўқ. Аммо у ўзининг хушмуомалалиги, узоқни кўра билиши, одамлар қалбига йўл топа олиши билан жамоа орасида тезда обрў-эътибор топди. Ўз олдига аниқ мақсад қўйган раҳбар фаолиятини, аввало, ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйишдан бошлади. Бу ўз-ўзидан одамларнинг моддий манфаатдорлигининг ошишига олиб келди. Ойлик маошини ўз вақтида олаётган ишчи эса, кундан-кун яхши ишлашга, раҳбарнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилади.

— Якунланиб бораётган «Ҳомийлар ва шифокорлар йилида жамиятимиз бир қанча хайрли ишларни амалга оширди. Йил бошида шаҳардаги 20-«Меҳрибонлик уйи»ни ўз оталиғимизга олган эдик. Меҳрга зор, кўнгли ярим болаларга жамиятимиз томонидан мунтазам равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатилиб келинаётир, — дейди Улуғбек ака. — Бундан ташқари, вилоят 1-туғруқхонасини қайта таъмирлашда ва замонавий жиҳозлар келтирилишида ҳам муносиб улушимизни қўша олганимиздан мамнунмиз. Яхшиси хайрли ишларни санамаганимиз маъқул. Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиш керак, деб бежиз айтилмаган.

Улуғбек Аҳмедов ҳозир туманда ишсизлар сонини камайтириш борасида ҳам бир қанча ижобий юмушларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Туркиялик ҳамкорлар билан биргаликда қўлда гилам тўқиш ишларини йўлга қўйди. Албатта, қўлда тўқилган гиламнинг бозори чаққон бўлади. Бу билан тумандаги 200 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Бу эса 200 та оиланинг рўзғори тўкин бўлди дегани. Касаначилик асосида улар билан шартнома тузилган. Улар етарли ускуналар билан таъминланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳозирги пайтда қайсики раҳбар боқимандалик кайфиятидан чиқа олмаган бўлса, жамоанинг таназзулга юз тутиши муқаррар. Излаган ҳамиша имкон топаверади. «Хива гилами» очиқ акциядорлик жамиятининг фаолияти фикримизга яққол мисол бўла олади.

Б. МАДРИМОВ, ЎзМТДП Хива туман кенгаши раиси.

Китоб жавонингизга

СЎЗ — МУБОРАК

Иброҳим Ғафуровнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа компаниясида чоп этилган «Ҳаё — халоскор» китобини ўқиб

"Навоий ва унинг қаҳрамонлари учун тилсим бу — сафар". Оддий эмас, улуғ ва авлиё зотлар бошдан кечирган мангу сафарлар сингари юксак мақом. Тинимсиз ва адоқсиз маърифатлар топишга, ўз кичик оламини таниш орқали катта оламга – коинот мақомига кўтарадиган сафар.

Устоз Иброҳим Ғафуров ҳазрати Навоий "Ҳамса"сидан топган ҳикматларидан бири бу. У кишининг "Ҳаё — халоскор" китоби мутолаасига жаҳд қилишни ҳам маърифат ва оқиллик манзилларига етакловчи сафар дейиш мумкин. Тўғриси, бундай сафарни кўнгилга тугишга ҳар қандай китобхон ҳам аҳд қилавермайди. Зеро, бунинг учун китобхоннинг қалб ва шуурида бирмунча ҳозирлик, бирмунча шайдолик, бирмунча фидойилик ва анча-мунча маърифатсеварлик туйғуси шаклланган бўлиши талаб этилади. Бундай туйғу кўпроқ кўнгли нозик кишиларгагина насиб этади. Иброҳим Ғафуров "Навоий ўз замондошлари ўртасида кўнгилнинг ўта нозиклиги билан машҳур бўлган" деб бошлайди "Кўнгилнинг нозиклиги" номли иншосини. Кўнгилнинг нозиклиги муаллиф ёзмоқчи, "оламни тушуниш ва ҳис қилиш бойлиги. Кўнгилнинг нозиклиги ҳеч истисносиз атрофдаги барча нарсалар, барча ҳодисалар ва мавжуд ҳаракатларга бадиий кўз билан, нафосат нигоҳи билан қарашдир. Фақат қараш эмас. Балки энг олий савиядаги нафосат назари билан баҳолашдир".

"Ҳаё — халоскор" мана шундай беҳад назокатли мутолаага чорлайди китобхонни. Саҳифа сайин китобхон ўз кўнглининг нозиклаша бораётганини, бу унинг қарашларига, дидига, феъл-атворига кўча бошлаганини ҳис қила боради.

Навоийнинг кўнгил нозиклиги "ажиб бир тарзда унинг хатуслубига ҳам кучли таъсир кўрсатади", "Навоий қалбининг нозиклиги унинг бутун бадиий услубини қамради", "нозиклик унинг қаламларини бошқаради" деб ёзади муаллиф. Мен айни шундайин таърифларни сира иккиланмай Иброҳим Устознинг хат услубига, бадиий услубига, қаламларига нисбат берган бўлур эдим. Бу нозиклик руҳига, кайфиятига мослаша олмай туриб мажмуага жо бўлган ҳаётий, тарихий, адабий-бадиий, фалсафий ва маърифий кузатишлар, таҳлил ва тадқиқотлар моҳиятига кириб бориш, уларни сўзма-сўз, жумлама-жумла ҳазм этиш амримаҳол. Иброҳим Ғафуров оддий таржимаи ҳолга ҳам, хабар тарзидаги оддий ахборотга ҳам ғоятда назокат билан бадиий руҳ бағишлай олади, уларга кучли бир пафос мақомида серқатлам маънолар тўнини кийгизади. Муҳими — уларни жуда равон, жуда тиниқ ва ўхшатиб ёза билади.

Айрим мансураларни ўқиш ва уқиш оғирроқ эмасмикан деган хаёлга бориши мумкин китобхон, қолаверса, Умар Ҳайём, Алишер Навоийдан тортиб Машраб, Бобур, Яссавий, Сўфи Оллоёргача, Достоевский, Фридрих Нитшедан тортиб Абдулла Қодирий, Чўлпон ва Гарсия Маркесгача... бу улуғ зотлар ижод дунёсидан қолган мерос-асарларни ҳам Иброҳим Ғафуров тушунган даражаларда ўқиш ва уқиш осон кўчмайди. Бадиий асарнинг ҳазми оғирлиги мазмунидаги иштибоҳларга "Нитше шиддати" деб номланган суҳбатда бир қадар жавоб келади. Унда "китобхонни ухлатиб қўядиган китоб" жумласи ҳақида сўз борар экан, Иброҳим Ғафуров "Зардушт таволлоси" мисолида бошлаган сўзига Будда, Конфуций, Лао Цзе, Яссавий, Боқирғон, Нарекаций, Абу Аъло ал-Мааррий сингари бетакрор муборак номларни илова қилади ва мана шу зотлар яратган асарлар китобхонни ухлатиб қўядими, дея саволга қарши зардали саволни кўндаланг қўяди. Саволга, "Улар ва уларнинг дохилий сўровларсиз сўзлари инсониятни коинот қаърларида тутиб турувчи ўзак эмасми?" дея жавоб қайтаради. Бир ўринда Нитше асарлари ҳайқириб ётган фикр ва тафаккур океанларига қиёсланса, бошқа ўринда Зардўштни, Нитшенинг ўзини коинотга ўхшатади. "Балки тасаввуримизга сиғмаган нарсалар бари бизни ухлатиб қўяр" деган хулосага келади муаллиф...

* * *

Иброҳим Ғафуров қаламига мансуб мансураларни тасаввурга сиғдириш учун муаллифнинг бепоён мушоҳада уммонига моҳир ғаввос янглиғ шўнғиш, сарҳадсиз фикр коинотига фазогир янглиғ парвоз эта билиш керак бўлади. Ҳар бир мансура – ўзича бир ҳолат, бир кайфият, бир руҳий манзара. Учар юлдуз сингари оний лаҳзада кўзга ташланган кўнгил кечинмаси.

"Япроқ тўкилгунча"ни ўқиймиз:

Сиздан хабар кутиб
кўзларим толди.
Боғимизда олча гуллади.
Гулладими сизнинг
боғда ҳам?
Тўкилмаган гуллар тагида
ўтираман йўлингиз пойлаб,
Олча гулининг
сояси бўлмас...

Дарвоқе, олча гулининг соясиси бўладими? Кўнгилга келган бу дилбар тасвир хаёлни нозиклаштириб юборади. Соғинч, кутиш изтироби, қуёш жилвасини ҳарир оқ япроқчаларида тутиб қололмаган олча гули манзаралари кўнгилларни эркалайди.

Ҳар бир китобхон мансура ва манзумаларни ўқир экан ўзича ажойиб бадиий топилмалар кашф этади, бундай топилмалар уни муаллифни қўлга қалам тутишга ундаган ижодий кайфият оламига етаклайди."Севги чиройли қилар одамни..." ("Қандай айтаман?"), "Ўрик гуллари оралаб ўйнаган шаббода бўлгим келар" ("Жафо"), "Музларнинг музаси қаҳрабо гуллар" ("Тош супа"), "Қонга ғарқ бу қуёшни ким қутқарур? Ким уни яна авжи фалакка кўтарур?"("Мир Алишернинг тавбаси"), "Ўлим туғилиш каби ноёб ҳодиса"...("Чўлоқ қарға"), "Сўзсизлик сўздан афзал" ("Ёз, сўзсизлик"), "Ҳамма ухлаб қолса, ҳамма маст бўлса... Бандам қолмади дер, Худо заминда" ("Маст автобус"), "Ҳаммамизга Худо мезбон: Кузатади. Кутади..." ("Мезбон"), "Ўлимнинг оч супургиси одамларни супуриб юрар" ("Одри ўлди"), "Одамнинг давоси одамда" ("Водилда")... Булар сингари мисоллар китобни бошдан охир ҳушёр ва синчков, керак бўлса, такрор ўқишга чорлайди. "Бир неча туркум мансураларни ўтган йил куз ойларида ёзган эдим, — деб ўз эътирофини очиқ баён этади муаллиф. — Уларни ўзим учун ёзганман. Буларни ўқийдиган одамлар ҳозир топилармикан".

Топилади. Ўша мансура битилаётган дамларда муаллиф қалбида кечган изтиробли, маърифатли кечинмалар китобхон қалбидаги ғунчаларни муқаррар уйғотади. Бундай саодатга етишмоқнинг чораси бор — у ҳам бўлса, ҳар кимнинг қалби, шуурида уйғонишга мойиллик бўлмоғи даркор...

* * *

Иброҳим Ғафуров мансураларининг ўқишлилигини оширган яна бир фазилат — муаллиф бир-биридан мутлақо йироқ, мутлақо ноўхшаш ҳолатлар орасида шу қадар яқинлик, шу қадар ўхшашлик топиб тасвирлайдики, бундай мўъжаз бадиий кашфиётлар манзара ва ҳолатнинг реаллик кучини ва таъсирини чандон оширади, бундан туғилган ҳайрат ўқувчи диққатини яна ва яна қийин, лекин тотли мутолаа онларига чорлайди.

Мисолга қаранг. Болалик кезлари шўхликни авжига чиқарган ўғлидан хуноби чиққан онаизор уни "қулоқсиз" деб қойийди. Таниш манзара. Гўдаклик ўсмирликка, ўсмирлик йигитликка айланади. "Бола" — ҳамон қулоқсиз. Оддий ва кўпчиликка таниш ҳолатни кўз олдимизга келтирувчи манзара биргина ташбеҳ билан ўзгача тус олади. Яъни: "Ёшлик мажнунлик экан. Қайда қачон мажнун қулоғига гап кирибди?.. Унинг ишқ шовқинларидан гаранг қулоғига шу мастона шовқинлардан ўзга нима ёқади? Ўзга нима киради?" Фикр динамикаси тўхтамайди: "Бола"нинг қулоқсизлиги "Сўна", "Қўрқинчли Теҳрон", "Ёдгор" мутолааси оқибатида телбаликка айлана боради. "Ҳаётни дард деб тушундим ва не ажабки, узоқ замонлар ҳеч дарднинг кети узилмай келди. Менинг қулоқсизлигим ҳам тугамади. Ҳар ўқиган китобим мастлигимни зиёда қилди"...

* * *

Мансуралар — шакли, мундарижаси, оҳанги, сўз ва жумла қурилишлари билан замонавий адабиётимизда буткул ўзига хос ҳодиса. Бундай ўзига хосликлардан келиб чиқадиган пафосга лиммо-лим поэтик маҳорат ҳам ўқувчидан ўзига хос ёндошувни тақозо этади. Шунга мослаша олган ўқувчи сира қийналмайди, мансуранинг ҳазми оғирлигидан нолимайди. Ҳажмидан қатъий назар ундаги руҳий ҳолат ва кайфиятга — мазмун оламига кириб олиш осон кўчади.

Тинмай сабрга ундайди дўсти "Сабр" мансурасида. Аллоҳ ҳам сабрга буюрган. Лекин У "Саббор" деб жуда чиройли айтган. "Аллоҳ буюрган сабр — ҳимматнинг кони. Матонат ва фаолият қўшилса сабр бўлади". Барчага аён сабр мансура муаллифининг "иловаси"да матонатли ва фаолиятли сабр тусига кирмоқда. Дарҳақиқат, аслида ҳам сабр тек ва жим ўтириш эмас, Аллоҳ наздидаги сабр илму маърифат олиш йўлидаги риёзатларга сабр қилиш, кураш йўлидаги укубатларга тоқат қилиш маъносини англатади. Иброҳим Ғафуров буни матонат ва фаолиятли сабр дея таърифлайди. Тинмай сабрга ундовчи дўстнинг назаридаги сабрда матонат йўқ, фаолият йўқ. У —

Ҳеч нарсани англамай
мен сабр қилдим.
Қабр бўлдим мен бундай
сабр қила-қила...

Ихчамгина мансурадан чиқаётган фавқулодда ва аччиқ бу хулоса беҳад ўйга толдиради ўқувчини!..

* * *

"Дилписанд" иншоси "Номалар ва мактублар маданий инсон кашф этган мулоқотларнинг энг гўзал, энг таъсирчан ва энг қулай воситасидир" деб бошланади. Ҳақиқатда шундай: юзма-юз ўтириб айтилмаган сўзлар мактубда ўзгача оҳанг, ўзгача таъсир касб этади, мактубда одам янада самимийлашади, меҳр ҳам, ғазаб ҳам тўкиси-роқ, батафсилроқ ифода топади. Нома ёзилаётган дақиқа — соат ва кунлардаги кайфият, ҳолатнинг энг шунчли ҳужжати ҳисоблана-ди мактублар. Иброҳим ака мактубни ҳозирни "келажак насллар олдида равшан қилувчи шаҳодатлардир" дея таърифлайди. "Нома Шарқдан чиқди, Ғарбга борди. Ғарб маданий ҳаётининг ажралмас узвий қисмига айланди". Тасассуфки... "Шарқда негадир нома ёзиш Европада бўлганчалик кенг миқёсда урфга айланиб кетмаган. ... ёзишмалар оддий халқ ўртасида кенг тарқалмади".

Шу ҳам ҳожиами, дерсиз?

"Бизда йирик наср жанрлари жуда кеч шаклланаётганлиги ва урф бўлаётганлигининг сабабларидан бири ҳам ёзишма маданиятининг муртак ҳолида қолиб келганлигидир. Мактуб маданияти — ёзув маданияти, ёзма маданиятнинг бебаҳо бўлаги. Мактуб маданияти эътиборсиз жойларда ёзма адабиёт қулоч ёзиб ривожланмаган бўлади.

Бу ҳожиа эмасми?!

Мактуб аввало фикрлашга, атрофга разм солиб қарашга, яхши-ёмонни танишга, ҳар нарсага мустақил баҳо беришга, ўз фикрига эга бўлишга, кузатувчанликка ўргатади. Шулар баробарида мактуб ёзиш инсон ижтимоий фаоллигининг энг ёрқин кўринишларидан биридир".

Иброҳим Ғафуров бу борада ҳам Навоийдан нажот топади. Ва, "Навоий ўзбек элининг фарзандлари ҳам худди форс эли фарзандлари каби иншоси дилписанд ва имлоси аржуманд мактублар ёзишга ўрганишларини орзу этади", деб ёзади. Улуғ бобомизнинг мактубларидан иборат "Муншаот" асарига мурожаат этади. Буни қарангки, муаллифнинг шаҳодат беришича, Темур ва унинг издошлари даврида маданият гуллаб-яшнаганлигининг далилларидан бири ўлароқ, "ўн бешинчи асрда мактубларни йиғиб тўплам қилиш олижаноб одат тусига кирди" ("Муншаот — мактублар демак"). "Ўзбек тилида яратилган илк муншаот китоби эса Навоий қаламига мансубдир".

Иброҳим ака "Муншаот"нинг тарихий аҳамияти, табиати, бадиияти, нафосати, тили ҳақида юксак пафосда мушоҳадалар юритади. Ҳайратлари ўқувчига юқади... Иброҳим Ғафуров ҳар қандай руҳий ҳолатни жуда осонлик билан аниқ-тиниқ, ранго-ранг, кўламли ва таъсирчан тасвирлай олади. Ажойиб тимсоллар яратади. Ажойиб ўхшатишлар топади. Муболағалардан, экспрессив тимсоллардан, қайтариқлардан қочмайди. Буларнинг бари Иброҳим Ғафуров матнининг бойлигини, кўламини, юксак даражотларини таъмин этади. Иброҳим аканинг қаламида жўнлик фавқулодда аҳамият касб этади. Сўзга эътибор, сўз эъзози, сўз ардоғи ҳар "қадам", ҳар сатрда китобхонни маърифатга, закийликка даъват этади. Назаримда, Иброҳим аканинг олимлик, адиблик, мунаққидлик, нафосатшунослик, таржимонлик бобидаги маҳорати замирида илму билимга тўла сўзга муҳаббат туйғуси ётади!

"Фақат сўз қолар" мансурасида сўздан пайдо бўлган дунёда охир-оқибат фақат сўз омон қолишини мадҳ этса, "Сўзлар", "Архаик сўз", "Апполон", "Дилписанд"да яна сўз ҳақида боради сўз!.. Шоҳ Машрабнинг ҳам, Алишер Навоийнинг ҳам, Фридрих Нитшенинг ҳам маҳоратини уларнинг сўзга ҳассослигидан келиб чиқиб баҳолайди. Ф.Нитшега "Европанинг сўфийси" деб олий мартаба берган Иброҳим Ғафуров "Унинг неча минглаб саҳифаларида бир осуда айтилган сўз йўқ" деб таърифласа, Машрабга бахшида мансурасида сўзнинг қудратини қуйидагича алқайди: "Икки буюк дарё оралиғида яратилган буюк тариқат — нақшбандийликда "калимаи қудсий" деган тушунча бор. Бу — сўзни илоҳий деб тушуниш, уни муқаддас деб билиш.

Бу ҳам ақлга ақл қўшиш билан чамбарчас боғлиқ. Ақлга ақл қўшиш билан Худога яқинлашиб бориларкан, Ақлнинг жавҳари бўлган сўз ҳам муборак бўла боради. Сўзни муборак этган китоб муборак, азиз китобхон, дегинг келади!..

* * *

"Ҳаё — халоскор"ни ўқиб бўлгач, уни китоб жавонингизга териб қўйишга ошиқмайсиз. Уни яна варақлайсиз, ҳошиясига қалам билан белги тортилган саҳифаларига такрор кўз югуртирасиз. Улкан ҳаётий, илмий ва бадиий тажриба маҳсули бўлмиш Зиёли қалб дунёсига ошно бўлганингиздан мамнун бўласиз. Ушбу мамнуният тўлқинида муаллиф Ф.Достоевский, Ф.Нитше, Г.Маркес асарларининг таржимони сифатида уларнинг ижодлари, бадиий дунёси хусусида кенгроқ, батафсилроқ ёзиши мумкин эдику, деган хаёлга борасиз ва ушбу эзгу ниятда китобнинг иккинчи жилди ҳам тезроқ босмадан чиқишига умид билдириб қоласиз.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.

● Митти тадқиқот

ЗАМИННИ АСРАШ ҚЎЛИМИЗДА

Фан-техника ривожланиши инсон учун турли қулайликларни келтириб чиқарганлиги шубҳасиз. Аммо танганинг иккинчи томони бўлгани каби у инсоният ҳаётига хавф солаётганлигини ҳам унутмаслик керак.

Узлуксиз тарзда рўй бераётган тўфонлар, торнадолар, сув тошқинлари, иқлимнинг кескин исиши сингари офатлар экологиянинг бузилиши оқибатида келиб чиқаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Масалан, шу йилнинг 29 апрелида Пекин шаҳрига 300 минг тонна чанг ва қумдан иборат тўзон ёпирилиб келганлиги фикрларимизнинг далилидир.

Бу каби воқеалар табиатнинг инсонга билдирган огоҳ қўнғироғи, десак адашмаган бўламиз. Табиат шу йўл билан инсондан ўзига нисбатан адолатли муносабатда бўлишни талаб қилаётган бўлса, не ажаб? Атроф-муҳитга бўлган адолатли муносабатгина мутаносибликни сақлаб туриши мумкин.

Экологиянинг бузилишида айниқса, турли саноат корхоналари, транспорт воситаларининг таъсирини кучли бўлмоқда. Саноат корхоналарининг экологик қонунларни бузиб, ўз манфаатини устун қўйиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Уларга нисбатан экологик жарималар тизимини қатъий қўллаш, махсус мосламаларни ишга туширириш йўли билан назоратни кучайтириш кутилган самара бериши мумкин.

Махфират АЛИЕВА,
Тошкент молия институти ўқитувчиси.
Даврон ҒАФУРОВ,
талаба.

Пойтахтимизда «Келажак овози» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилмоқда. Танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этишаётир.

Суратда: Бадиий ва амалий санъат номинацияси иштирокчиси чинозлик Ҳамидулла Раҳматов ўзи ясаган мусиқа асбоблари билан.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

● Қадимий ривоятлар

МАРДЛИК — МАНГУЛИК

Сурхондарё, хусусан Бойсун ва Қумқўрғон ҳудудларида яшаётган халқ тарихи, ўтмиши бир неча минг йилларга бориб тақалади. Не-не элатлар яшаб ўтган бу юрт қанчадан-қанча жангу жадалларнинг гувоҳи бўлган. Бостириб келган душманлар эса енгилиб, ўз қилмишларидан уялиб, тум-тарақай қочишган. Сабаби, ҳеч ким ҳеч қачон ўз Ватанини ғанимларга бериб қўймаган. Четдан босиб келганлар эса қўним тополмаган. Шу она-юрт бағридан паҳлавон, мард ўғлонлар етишиб чиқиб, душманларни ер тишлатган. Улар ўз моҳирликлари, жанг усуллари билан ҳали-ҳамон одамлар оғзида ҳикоя ва ривоятларда яшаб келмоқда. Унда боболаримиз, момоларимизнинг юксак жасорати, матонати тараннум этилади.

Биз ривоятлардан айримларини сизга ҳавола этяпмиз. Уларни бизга қумқўрғонлик Эргаш бобо Жумаев, Менгай момо, Зулфия момо, Раҳмат Азизов, Сулаймон Азизов, Мардон бобо, Хосият момолар сўзлаб беришган.

Бургутқоя сири

Қумқўрғонда қадим замонларда бир қоя бўлган. У худди Бургутга ўхшаш салобатли экан. Бу қоя Боботоғ бағрида эди. Тоғ этагида бир қабила яшарди. Тинч-тотув турмуш кечираётган қабила бошига бирин-кетин офатлар ёғила бошлади. Аввалига улар яшайдиган ҳудудни сув босди. Яшин-чақмоқ хавф солди. Қароқчи тўдаларнинг ҳужуми ҳам қабила бошлиқларини даҳшатга солиб қўйганди. Бу офатдан қутулиш чорасини излаган оқсоқоллар қанча маслаҳат қилишса-да, бунинг йўлини топишолмасди.

Оқсоқоллардан бири бўлган Замонбийнинг ақлу идрокда тенги йўқ Ойсулув исмли бир қизи бор эди. У бир куни отасига шундай деди:

— Отажон, мен бизни ташвишга солаётган масалага жавоб топишни биламан. Ҳаммага фикримни етказинг. Шу яқин-атрофда бир қоя бор, хавф туғилганда унга яшириниш мумкин.

Замонбек бу гапни халққа етказди. Улар бургутга ўхшаган қояни кўзлаб қўйишди. Бир куни жуда қаттиқ зилзила бўлиб сира тўхтамади. Одамлар нима қилишини билмай турганида Ойсулув уларни қояга бошлади. Қоя эса жуда кичик кўринарди. Одамлар:

— Ҳаммамиз шу қоя ичига сиғамизми? — дея ҳайрон қолишди.

Ойсулув:

— Кираверинглар, ҳамма сиғади, — деди.

Улар бирин-кетин қоя ичига кириб, ҳайратда қолдилар. Қоя ичи сарой, азим дарё, зилол сувлар, кошоналар, кенг сарҳадлардан иборат эди. Ҳамма ҳайрон қолибди: «Шу кичик тош ичига шунча нарса қандай жо бўлдийкин?» Боғу-роғлар, узумзорлар кўзни яшнатарди. Қабила одамлари бир неча ой шу ерда жон сақлаб, табиат неъматларидан бахраманд бўлдилар. Энг сирли томони шунда эдики, қоя ҳавода муаллақ турарди. Зилзила тўхтагач, ҳамма қоя ичидан чиқди. Шунда Ойсулув қояликка таъзим қилди, ҳамма унга қўшилиб таъзим бажо айлади. Ундан бир сиқим тупроқ олишиб кўзларига суртиб, қувончларидан йиғлашди.

— Оҳ, қоя бизга Ватан бўлдинг, онажон бўлдинг. Кароматингга раҳмат, Художон.

Ойсулув қояликдан сўради?

— Эй муҳтарам зот, кимсиз? Ўзингизни аён этинг. Элимиз сиз туфайли омон қолди.

Қояликдан садо чиқди:

Вақти келганда айтаман.

Даҳшатли бўрон турганда, қаттиқ жала қуйиб, сел босганда, ёв бостириб киргандa одамлар яна ўша қояга кириб жон сақлашди. Кимлигини сўрашганда ҳар гал шу жавоб бўлаверди.

Бир куни яна даҳшатли момақалдироқ бўлиб, чақмоқ чақди, бундан қўрққан оломон қояга кириб кетди. Бу гал қоя ичида аввалгидан ҳам зиёда нарсаларни кўрдилар, ҳайратлари ошди. Олам мунаввар бўлиб, қоядан чиқилганда Биби Ойсулув тиз чўкиб қоя билан гаплашмоқда эди:

— Эй, муҳтарам зот, энди ўзингизни аён этинг.

— Мен сизнинг қалбингизман, юрагингизман, — дея садо чиқди қоядан ва мўъжиза юз бериб, катта қоя бир зумда юракка айланиб, қизнинг оғзидан кириб кетибди.

Шоҳ Йўлбарсий

Қадим вақтларда Қумқўрғонда Шоҳ Йўлбарсий исмли бир паҳлавон ўтган экан. У ёшлигидан ўта кучли, зеҳнли бўлиб, паҳлавоннинг овозаси етти иқлимга етганди.

Шеробод беги уни хизматга чақирибди. Лекин аъёнлар Шоҳ Йўлбарсийни обдон синовдан ўтказиб кейин хизматга олишга Бекни кўндирибдилар.

Катта майдон. Ўртада — Шоҳ Йўлбарсий паҳлавон. Тўрт туя унга қараб бўкириб келарди. Ҳамма ҳаяжонда. Шоҳ Йўлбарсий тўрт туяни ҳам бирдан даст кўтариб, чирпирак қилиб, айлантириб отди.

— Офарин!

Ҳамма чапак чалиб юборди.

Бек аёнлари:

— Яна синовимиз бор, — дейишди.

Бу гал баҳайбат хўкизни паҳлавон сари қўйиб юборишди. Уни ҳам енгди. Бўлди зўр томоша. Бек ҳам ҳайратда қолди. Бир тўда филни жангга чиқаришди. Филни ҳам йиқитиб енгди.

Шунда бек:

— Хизматга олинди, офарин, — деб юборди.

Аёнлар:

— Охирги синов бор. Боботоғнинг ярмини олиб келсин, — дейишди баравариг.

Шоҳ Йўлбарсий жуда катта тошни олиб, тоғдан Қумқўрғонгача, Қумқўрғондан Шерободгача олиб борган экан. Паҳлавон шу тариқа умрининг охиригача эл хизматида бўлган. Унинг қизи Сумбулойим ҳам отаси сингари паҳлавон эди. Сумбулой ҳам туя кўтариб ном қозонди. Кўпгина оғир синовлар ўтаб хизматга олинган. Қиздан яхши ном қолди, лекин фарзанд қолмади. Паҳлавон қиз бир бойга келин бўлганди.

— Авлодларга давомчи, яъни фарзанд қолдираман, дегандим, бўлмади, — дея афсус чеккан экан Сумбулой. Лекин Сурхон воҳасининг ҳар бир гўшасида ҳозирда ҳам паҳлавонсифат қизлар бор.

Ақл тарозиси

Ривоят қилишларича, қабила бошлиқларидан бири ҳаммани йиғиб, кенгаш ўтказаётганди. Бирдан:

— Ғаним босиб келаётибди, — деган хабар келди. Шунда ҳамма жангга тайёргарлик хусусида маслаҳат қилдилар. Оқсоқоллар қўшинга Султонбек полвонни бош саркарда этиб тайинлашди.

Қабила бошлиғи:

— Султонга энг учқур от, полвонлардан сараланиб берилсин, зарбоп тўн кийдирилсин, — дея фармон берди.

Султонбек қўшини ғаним томон елдек учиб борди ва саф бўлиб тизилиб туришди. Ғанимлар ҳам саф бўлдилар. Уларнинг бошлиғини Султонбек ўртага чорлади. Икколови учрашдилар. Султонбек деди:

— Ораларингиздан ким бўлса-да, мана бу тухумни бармоқ учида айлантиролса ва у ерга тушиб кетмаса сизларга жангсиз йўлни очиб бераман ва биз енгилган бўламиз. Аксинча бўлса сизлар индамай ортингизга қайтасиз.

Ғанимлар бошлиғи бу шартга рози бўлди ва одамларини бирин-кетин чақириб, тухум бармоғида турмай ерга тушиб, ёрилиб кетди. Султонбек эса тухумни бармоғи учида айлантириб тураверди, тураверди, лекин тушиб кетмади.

— Мана шу биз турган она-ер мана шу тухум каби мусаффо ва беғубордир, азиздир, муқаддасдир, бизнинг Ватандир, — деди.

Ғанимлар ўзларидан уялиб, орқага чекинишди.

«Енгилган курашдан тўймас», деганларидек душманлар ҳийла ишлатиб бостириб келишди. Султонбек полвон яна ақлини ишга солди. Қўшинидаги паҳлавон йигитларига катта-катта тарвуз йиғишларини ва йирик тарвузларни душман йўлига қўйишларини буюрди.

Ғанимлар олдиларидан чиққан катта-катта тарвузлар билан андармон бўлиб қолдилар. Шунда Султонбек уларнинг бошлиғини кўзлаб ёй отиб, бош кийимини учириб юборди ва тез бориб бир мушт билан уриб йиқитди. Саросимада қолган ғаним орқасига қарамай тумтарақай қоча бошлади. Дарҳол сўзсиз таслим бўлишди. Ғанимлар жанг қилолмай, мақсадига етмай мамлакатдан чиқиб кетишди.

Оқсоқоллар кенгаши яна унга от ҳадя этиб, унвонини оширди.

Қалтис ўйин

Бир куни оқсоқоллар кенгаши ўтказилаётган эди.

— Маслаҳатлашиб олишимиз керак, — деди оқсоқоллардан бири. — Хонтўрабий, айтингчи, сиз ҳам жамоа аъзосисиз. Кечаси бўрилар, кундузи эса қароқчилар ҳужум қилишаяпти. Нима қилмоқ даркор, айтинг, — дея Хонтўрабийга қаради.

— Жанг учун аввал машқ қилишимиз керак.

— Сарбонбек, — деди оқсоқол. — Сиз тоғнинг у томонидан йигитларингизни олиб ўтиб жойлаштиринг-да, тайёргарлигингизни кўриб, истеҳкомингизни ўрнатинг. Хонтўрабий, сиз эса тоғнинг бу четидан ўтиб нариги қизил тумшуғига чодирингизни тикинг. Бошқа оқсоқоллар эса тоғнинг тепа қисмида кузатиб туришади. Шундай қилиб, машқни мусобақа тарзида ўтказишимиз керак. Сардорбий, ҳамма қабила бошлиқларини тўпланг, мусобақа жуда мураккаб, ғолиб чиққанга мерганлик ва сардорлик унвони берилади.

Шу тарзда мусобақа бўлиб ўтди. Хонтўрабий йигитлари ва ўн бир нафар ўғиллари мусобақада ғолиб деб топилиб, Сардорлик унвонини қўлга киритади.

Бир куни ёв босиб келиб, одамларни ўлдириб, халқни асир олиб, шафқатсиз қатл этмоқда, деган хабар келади. Шунда Хонтўрабий бу машъум хабарни эшитиб, жанг қоидаларига амал қилган ҳолда ҳозирлик кўради. Ўғилларидан бири Султонбекни душманнинг жанг қилиш усулини билиш учун жўнатади. Султонбек роппароса икки ой мобайнида душманнинг ичига яширинча кириб боради ва жанг қилиш усуллари билан таниша бошлайди. Машқларда қатнашиб, ўзини ҳеч кимга билдирмай фаолиятини давом эттиради. Бир куни душман айғоқчилари Султонбекни сезиб қолиб қўлга олишди ва қийнай бошлашди. Султонбек ҳар қанча азоб чекса ҳам ҳеч нарса айтмайди. Уни зиндонга ташладилар.

Султонбекнинг бу азоб-уқубатлари укаси Сардорбекка аён бўлади. Чунки Сардорбек акасининг изидан ҳеч кимга сездирмасдан изма-из душман томонга кириб борган эди. Буни ҳатто акаси Султонбек ҳам пайқамаган эди. Орадан кўп ўтмасдан Сардорбек акаси ётган зиндонга бир амаллаб киради ва акаси билан саломлашиб, уни бутун жамоа кутаётганлигини, тезда отасига бориб хабарни етказишни ва ўрнига ўзи зиндонда қолишини айтади. Акасининг зиндондан чиқишига кўмаклашиб, у ерда ўзи қолади.

Султонбек вақтни бой бермай юртига қайтиб келади ва отасига душманнинг ҳолатини айтади:

— Душманнинг асосий қисмини аёллар ташкил қилади. Қиз болалар ўқ отишни, арқонда юришни, тепа-қияликларга қийналмасдан чиқишни, отда юришни яхши билишади. Ҳамма заиф томонларини билиб олдим.

Бу гапларни эшитган Хонтўрабий оқсоқоллар билан кенгашади ва уч кун давомида жангга тайёргарлик кўради. Даҳшатли ва шафқатсиз уруш беш кун давом этади. Жанг Хонтўрабий қўшинларининг ғалабаси билан якунланади. Душман қўшинлари асир олиниб, уларнинг кўпчилиги аёллар бўлганлиги учун қурол-яроғлари мусодара қилиниб, ўз юртига қайтариб юборилади.

Ривоятларни оққа кўчирувчилар:

Жуманазар АНОРОВ,
Баҳодир АЗИЗОВ.

Жаҳон ҳафта ичида

ПАРИЖГА ТРАМВАЙ ҚАЙТДИ

69 йиллик танаффусдан сўнг Париж кўчаларида яна трамвай қатнай бошлади. Франция пойтахтининг жанубий қисмида узунлиги саккиз километр бўлган янги трамвай линияси барпо этилди. Ушбу йўналиш 17 бекатни ўз ичига олган. Маълумотларга кўра, йўналиш бир кунда 100 минг йўловчига хизмат қилиши кўзда тутилмоқда.

Темир йўлларни ётқизиш ва вагонларнинг янги кўринишини яратиш учун Париж мэрияси 312 миллион евронинг баҳридан кечди. Ўнг партиялар вакиллари эса трамвайга пул сарфлашни маблағни ҳавога совуриш, деб баҳолашди ва маршрутнинг тантанали очилиш маросимида қатнашишдан бош тортишди. Бироқ Париж мэри Бертран Делано трамвайнинг шаҳар транспорти орасида экологик жиҳатдан қулай восита эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтди.

КЕЛИНГ, МУЗОКАРАГА КИРИШАМИЗ

Душанба куни Пекинда КХДР ядро дастурига бағишланган олти томонлама музокаралар қайтадан бошланди.

Хабар қилинишича, Корея халқ демократик республикаси, Россия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея ва Япония вакиллари 13 ойлик танаффусдан сўнг музокараларни қайтадан бошлашди. У АҚШ томони КХДРга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллагач тўхтатилган эди.

ЧЕЧЕНИСТОНГА ҚАНЧА ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАН?

Республика парламенти томонидан тузилган махсус комиссия 1994 йилдан буён мамлакатга етказилган зарарни аниқлашга киришган.

"Интерфакс" ахборот агентлигининг Чечнистон парламенти спикери Дуквахи Абдураҳмоновнинг сўзларига таяниб ахборот беришича, бу комисссияга мамлакат итисодиёти, табиати ва ижтимоий соҳаларга етказилган зарарни ҳисоблаш вазифаси топширилган.

Унинг қайд этишича, "комиссия рўй берган ҳодисаларнинг айбдорларини изламайди". Балки ушбу зарарларнинг аниқ миқдори мамлакатнинг келажакдаги молиявий режаларини тузишда қўл келади. Қолаверса, етказилган зарарнинг аниқ миқдори бу мавзудаги турли баҳс ва тортишувларга ҳам нуқта қўяди.

СУМАТРАДА КУЧЛИ ЕР СИЛКИНИШИ

Индонезиянинг Суматра оролида душанба куни эрталаб кучли ер силкиниши содир бўлди. Силкиниш Рихтер шкаласи бўйича 5,8 баллни ташкил этган.

Хабар берилишича, 250 та бино зарар кўрган. Натижада бир неча киши жароҳатланган ва тўрт киши ҳаётдан кўз юмган. Бундан ташқари, оролнинг ғарбий қисмидаги йўлларга катта талофат етган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Киши икки нарса
билан асло қаримайди,
Бири — эзгу хулқи,
бири — эзгу сўзи.

* * *

Тўғриликдан келмиш ҳамма яхши от,
Эгриликдан фойда кўрмади бир зот.
ФИРДАВСИЙ.

* * *

Эҳтиёткорлик — барча эзгу кишилар иши.
Юсуф Хос ХОЖИБ.

* * *

Қора тош сира ҳам бўлмас ложувард,
Тоза қалбга асло юқмас чангу гард.
Паҳлавон МАҲМУД.

* * *

Нимаики ўзингга бўлмабди даво,
Бошқага ҳам уни кўрмагил раво.
Хусрав ДЕҲЛАВИЙ.

* * *

Энг яхши одам шу —
кимдан халқига
Қандайдир наф тегар ҳар куни,
ҳар дам.
Абдураҳмон ЖОМИЙ.

* * *

Яхшилик жамики одамларга яхшилик қилишдан иборат.
БЕРУНИЙ.

* * *

Суҳбатдошлик қилгил яхшилар билан,
Ишларинг саранжом топар яхшидан.
НИЗОМИЙ.

* * *

Ёмон ниятли бўлма эл ҳақида,
Ўзингга бу ишинг сўзсиз зиёндир.
Киши яхшилик ҳар кимга қилса,
Бу майдон ичра соҳибқирондир.
Собир ТЕРМИЗИЙ.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, ma'rifiy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1423.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 19.50